

Uzbekistan's role in combating narcotic drugs and psychotropic substances

Zokhidjon KHAYITMATOV ¹

Kokand University Andijan branch

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2025
Received in revised form
15 May 2025
Accepted 15 June 2025
Available online
25 June 2025

Keywords:

Drug addiction,
narcotics,
psychotropic,
drug trafficking,
heroin,
opium,
Central Asia,
South Asia,
West Asia,
global,
extremism,
terrorism,
arms trade,
human trafficking.

ABSTRACT

The article highlights the legal foundations for combating the entry of narcotic drugs and psychotropic substances into the territory of Uzbekistan, which pose a threat and concern to the international community. It also analyzes, with scientific examples, the illegal trafficking and distribution of these substances within the country, along with their negative consequences. Furthermore, the article sheds light on the tragic fate of individuals, especially young people, who fall victim to these narcotic substances in the Central Asian region, and emphasizes the role of spirituality in the fight against them.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss3-pp1-6>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қарши курашишда Ўзбекистоннинг роли

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

наркомания,
гиёҳвандлик,
психотроп,
оғуфурушлик,
героин,
опиум,
Марказий Осиё,

Мақолада дунё ҳамжамиятини ташвишга ва таҳликага солаётган гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддаларининг Ўзбекистон ҳудудига кириб келишига қарши курашишнинг қонуний асослари ёритилган. Шунингдек, ушбу моддаларнинг республикамиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб кирилиши, тарқалиши унинг салбий оқибатлари, илмий мисоллар асосида таҳлил

¹ PhD, Associate Professor, Kokand University Andijan branch

Жанубий,
Ғарбий Осиё,
глобал,
экстремизм,
терроризм,
қурол савдоси,
одам савдоси

этилган. Бундан ташқари мақолада Марказий Осиё минтақасида ушбу гиёҳванд моддаларнинг қурбонига айланиб қолаётган инсонлар, айниқса ёшларнинг аянчли тақдири, унга қарши курашишда маънавиятнинг ўрни очиб берилган.

Роль Узбекистана в борьбе с наркотическими средствами и психотропными веществами

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

наркомания,
наркотики,
психотропные вещества,
наркотрафик,
героин,
опиум,
Центральная Азия,
Южная Азия,
Западная Азия,
глобальный,
экстремизм,
терроризм,
торговля оружием,
торговля людьми.

В статье рассматриваются правовые основы противодействия ввозу наркотических средств и психотропных веществ на территорию Узбекистана, которые представляют угрозу и вызывают озабоченность международного сообщества. На научных примерах анализируются незаконный оборот и распространение этих веществ внутри страны, а также их негативные последствия. Кроме того, в статье освещается трагическая судьба людей, особенно молодежи, ставших жертвами этих наркотических веществ в Центрально-Азиатском регионе, и подчеркивается роль духовности в борьбе с ними.

Инсониятни турли синов ва таҳликага солаётган XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигида ер сайёрасининг баъзи бир минтақаларидаги давлатларда фан-техника тараққий этиб, жаҳон иқтисодиёти ривожига салмоқли ўрин эгаллаган бўлса, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё минтақасидаги давлатларда диний, миллий, этник зиддиятларнинг авж олиб бораётганлиги ушбу минтақада истиқомат қилаётган бегуноҳ инсонларнинг, айниқса норасида болаларнинг дунёдан барвақт кетишига олиб келмоқда. Шунингдек, ўзаро урушларнинг оғир зарбалари минтақа давлатларидаги мактаб ёшига етган болалар ва ўсмир ёшларни таълим олиш ўрнига ҳаётнинг оғир синовларини бошдан кечиришга мажбур қилмоқда. Ушбу минтақаларда глобал терроризм ва экстремизм, сепаратизм сингари хавфнинг ортиб бориши билан бир қаторда гиёҳванд ва психотроп моддаларнинг тарқалишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Бинобарин, ушбу ҳудудларда чегара билмас глобал хавфга айланиб бораётган гиёҳвандлик инсониятни эзгуликка эмас, балки жиноят ва ёвузликка етакловчи иллатга айланиб бораётганлиги дунё ҳамжамиятини чуқур ташвишга солди. Ҳозирги кунда аср вабосига айланган мазкур иллат ёшлар ўртасида кун сайин кенг қулоч ёзиб бораётганлиги, айниқса ушбу вабонинг асосий қисми Афғонистон заминида етиштирилиб, Марказий Осиё минтақасида жойлашган мамлакатлар орқали Шарқий ва Ғарбий Европа давлатларига етказиб берилаётганлиги, минтақа давлатларини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний тарқалишини олдини олиш ҳамда ушбу моддаларнинг минтақа давлатларида тарқалишига йўл қўймаслик учун ҳуқуқ тартибот

идоралари ва тегишли ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг мамлакат ҳудудига ноқонуний кириб келишини олдини олиш, ушбу воситаларнинг аҳоли орасида, айниқса ёшлар ўртасида тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида ушбу аср вабосига қарши курашишнинг қонуний асослари яратилди. Жумладан, 1999 йил 19 августда қабул қилинган 5 боб 43 моддадан иборат бўлган “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 813-І-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тарғиботининг тақиқланиши ҳамда рекламасининг чекланиши назарда тутилган, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тарғиботи, яъни Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш усуллари, услублари тўғрисидаги, уларни олиш жойлари ҳақидаги маълумотларни тарқатишга қаратилган фаолият тақиқланади, деб қўйилган.[1]

Юқоридаги моддадан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни нафақат тайёрлаш балки ушбу моддаларни тарқатишга ҳам йўл қўйилмаслиги, акс холда ушбу ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатда жазо муқаррарлиги назарда тутилган.

Шунингдек, 8 бўлим XXIV боб, 302 моддадан иборат бўлган, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг XIX бобида “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар” белгилаб қўйилган. Жумладан, кодекснинг 273-моддасида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш назарда тутилган бўлиб, ушбу модданинг “г” ва “д” бандларида қуйидагича таърифланган; ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар томонидан ўқув, спорт ва жамоат тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган бошқа жойларда ҳамда телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, — етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган[2].

Дарҳақиқат, бугунги кунда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларининг ёшлар ўртасида кенг кулоч очиб бораётганлиги жиноятчиликнинг ортиб бориши билан бир қаторда, кўплаб оилаларда ажримларнинг кўпайишига, шунингдек, миллат генофондининг бузилишига ҳам олиб келади. Бугун жаҳон статистик маълумотида қарайдиган бўлсак, дунёда гиёҳвандлик дардига чалинганларнинг сони қарийб 500 миллиондан ортиб кетаётганлигини кўришимиз мумкин. Бинобарин, гиёҳвандликка ружу қўйган инсонларнинг аксариятини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этаётганлиги дунё аҳлини ушбу иллатнинг оғир оқибатларидан сақланиш чораларини топишга ва унга қарши курашишга ундайди. Ачинарлиси шундаки, ушбу оғу таъсирида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши вафот этаётган бўлса, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади[3].

Жаҳон статистик маълумотларига қараганда, 15 ёшдан 64 ёшгача бўлганлар орасида қайд этиладиган ўлимларнинг 1,3 фоизи гиёҳвандлик оқибатида юз берар экан. Бир йилда 211 мингта ўлим айнан гиёҳвандлик оқибатида келиб чиқади. Европада гиёҳвандлик оқибатида ҳалок бўлаётганларнинг ўртача ёши 35 ёшни ташкил қилади. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, гиёҳвандлик оқибатида 1,6 миллион киши ВИЧга мубтало бўлади, 7,2 миллион киши эса гепатит С вирусини юктириб олади, 1,2 миллион киши гепатит В вирусига чалинади[4].

Гиёҳвандлик балоси XX аср бошларига келиб дунёнинг кўп давлатларида аҳоли ўртасида авж олиб, касаллик сифатида намоён бўлиб келди. Шу ўринда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг берган маълумотиغا қарайдиган бўлсак, биргина 2021 йилнинг ўзида Афғонистонда етиштирилган ҳамда ишлаб чиқилган афюннинг миқдори қариб 8 фоизга ошиб, ушбу ажал оғусининг миқдори 6,8 минг тоннага етган. Ташкилотнинг наркотиклар ва жинойтчилик бўйича бошқармаси (UNODC) нинг берган маълумотиغا кўра, оғунинг бу зайилда ўсиши бутун дунё бозорига 320 тонна соф героин моддасини етиб боришини англатади. Бинобарин, Афғонистон ҳозирда дунёдаги барча гиёҳванд моддалардан фойдаланувчиларнинг 80 фоизини таъминлайди. Бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан солиштирганда 5 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. UNODC берган маълумотиغا кўра, 2021 йилда опиум ишлаб чиқаришдан олинган фойда 1,8 миллиард доллардан 2,7 миллиард долларгача ўсиб, гиёҳванд моддаларни мамлакатдан ташқари ҳудудларда сотиш анча кўпроқ даромад келтирган[5].

Гиёҳванд моддалардан келаётган даромаднинг ўсишига сабаб бўлувчи яна бир сабаб, Афғонистон диёридаги сиёсий-ижтимоий вазиятнинг беқарор эканидир. Ачинарлиси, ушбу гиёҳванд воситалари кўшни Афғонистонда етиштирилиб, қайта ишланиб, зарурий кимёвий моддалар аралашмаси қўшилиб, кўшни Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари орқали яширин ҳолда турли йўллар билан республикамиз ҳудудига кириб келмоқда. Бунинг оқибатида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик илллати илдиз отиб келмоқда. Ушбу иллатнинг салбий оқибатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ берган маълумотиغا кўра, 2018 йил якунига қадар жами 989 та жинойт ишлари қўзғатилган бўлиб, 50 килограммдан ортиқроқ турли хилдаги гиёҳванд моддалари далилий ашё сифатида олинган. Жумладан, 2018 йилнинг ўзида 121 та гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган[6]. Бу эса, мамлакатимизда ёшларни гиёҳвандлик домига тушиб қолишини олдини олиш, унинг омилларни бартараф этиш, айниқса гиёҳвандлик воситаларининг ўрнини босиб бораётган дори-дармонлар ва синтетик наркотик моддаларни республикамиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишига қарши қаратилган профилактик ва тезкор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

2018 йилда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жинойтлар сони 12 фоизга камайиб, жами 4 минг 779 тани ташкил қилган.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 2021 йилда мусодара қилинган наркотик воситалари 1,3 тоннадан ортиқни ташкил этган. Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жинойтлар эса 6032 тани ташкил этиб, ушбу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 20 фоизга кўпайганлигини билдиради. Содир этилган жинойтларнинг 1814 (1701) таси наркотик моддаларни ўтказиш ва сотиш бўлса, 304 (395) таси эса контрабанда, 1521 (1064) таси

тақиқланган ўсимликларни етиштириш, 49 (43) таси бангхоналар ташкил этиш билан боғлиқ, бошқа турдаги наркотиноятлар 2344 (1823) тани ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасида ноқонуний муомаладаги 1 тонна 542,6 кг (1 тонна 200,5 кг) ёки 2020 йилга нисбатан 28,5 фоизга кўп наркотик моддалар мусодара қилинди. Уларнинг 28,4 (40,9) кг — героин, 124,1 (224,6) кг — опий, 323,9 (111,6) кг — гашиш, 692,8 (736, 4) кг — марихуана, 279,4 (0) гр — кокаин, 1229,7 (194,1) гр — синтетик наркотик моддалар, 446,98 (0) гр — бошқа наркотик моддалар (эутилон — амфетамин гуруҳига оид этилон наркотик моддасининг аналоглари, метамфетамин, мефедрон, ЛСД (лизергин кислотаси) ва бошқа турдаги наркотик моддалар) ва 19, 96 (23,8) кг — таркибида наркотик моддалар бўлган дори воситаларини ташкил этган[7]. Ўзбекистонга гиёҳвандлик воситалари ҳамда кучли таъсир этувчи психотроп моддаларнинг кириб келиши ҳозир ҳам давом этмоқда. Жумладан, 2024 йил давомида аниқланган жами 535 та ҳолатда оғирлиги 1 тоннадан зиёд гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилган. Булардан, 570,4 кг ва 438 литр наркотик моддалари, шунингдек, таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган 14 минг 123 дона таблетка (капсулалар), 1243 туп гиёҳвандлик ўсимликларининг ноқонуний айланмаси ва муомаласининг олди олинган. Ушлаб қолинган гиёҳвандлик воситаларининг 87 фоизини табиий турдаги, 13 фоизини эса синтетик турдаги наркотиклар ташкил этган. Экспертларнинг хулосасига кўра, Ўзбекистонга ўтган 2024 йилда янги турдаги психофаол (альфа-ПВП, амфетамин, метамфетамин, мефедрон) синтетик наркотик воситаларининг кириб келиш янада ошган. Жумладан, суюқ ҳолатдаги 438 литр гиёҳвандлик воситаларининг 252 литри “метамфетамин” ва 186 литри эса “амфетамин” синтетик гиёҳвандлик воситалари бўлган[8].

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, қарийб 130 дан ортиқ миллатларни бирлаштирган Ўзбекистонда бугунги кунда 37,5 миллиондан ортиқ аҳоли тинч ва тотув яшаб келмоқда. Мамлакат аҳолисининг қарийб 55 фоиздан ортигини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этаётганлиги, ушбу баркамол авлодни тарбиялаш ва камолотга етказиш борасида бир талай самарали ишларни амалга оширишни талаб этмоқда. Бу эса Ўзбекистонда ёшлар масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарилишига олиб келди. Бироқ, ўз манфаатларини мамлакат юксалиши ва фаровонлигидан устун қўяётган жиноий гуруҳлар томонидан ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва оғуфурушликни авж олдиришга уринишлар давлат ва жамият тараққиётига кишан бўлмоқда. Бундай хатти-ҳаракат эса давлат ва жамият тараққиётига ва келажагига оғир зарба бўлиши ҳеч гап эмас.

Янги Ўзбекистонда учинчи Ренессансни қуришни мақсад қилиб олган эканмиз, бу борада аввало ёшларни аждодларига муносиб бўлган авлод этиб тарбиялаш зарур бўлади.

Зеро, ёшларимизнинг баркамол инсон бўлиб камол топишларда, ёшларни ўзларининг манфур ишларига етаклаётган жиноий гуруҳларнинг бузғунчи ғоялари ва хатти-ҳаракатлари таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишда аввало жамиятда эзгулик ва бунёдкорликка йўғирилган ғояларни илгари сурмайдиган бўлсак, тузатиб бўлмас ҳатога йўл қўямиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги 813-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунини. // [https:// www.lex.uz/ acts/ 86044](https://www.lex.uz/acts/86044).
2. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси. // <https://www.lex.uz/acts/111453>
3. Ахмедов М. 26 июнь - халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни. // <https://adolatmarkazi.uz/uz/news/news/26-iun-giyohvandlik>
4. Тўлаганов Ш. 26 июнь - халқаро гиёҳвандлик ва бангифурушликка қарши кураш куни. // <https://kun.uz/17827148?q=%2F17827148>
5. В ООН сообщили, что в этом году производство опиума в Афганистане выросло на 8% Объем производства опиума в Афганистане в этом году вырос на 8% и достиг 6,8 тыс. тонн. // <https://kun.uz/ru/news/2021/11/17/v-oon-soobshchili-chto-v-etom-godu-proizvodstvo-opiuma-v-afganistane-vyroslo-na-8>
6. Нуруллаева Ш. Ёшлар — наркотик ва гиёҳвандликка қарши! // <http://darakchi.uz/uz/66504>
7. Тошкентда 1,3 тоннадан ортиқ гиёҳванд моддалар йўқ қилинди // <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/24/drugs/#!>
8. Маматулопова Ш. Гиёҳвандлик воситаларининг янги турлари ва уларни аниқлаш усуллари бўйича ўқув-семинар // https://uza.uz/uz/posts/giyohvandlik-vositalarining-yangi-turlari-va-ularni-aniqlash-usullari-boyicha-oquv-seminar_682597